**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Кинематография агентлиги
директори в.б.

**Ш. Ризаев**

2026 йил «3» апрель

**Самарқанд шаҳридаги Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими биносини давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция қилиш, ёрдамчи биноларини қайта қуриш ҳамда жиҳозлаш ва хизматларни ташкил этиш лойиҳаси**

# КОНЦЕПЦИЯСИ

## I. Лойиҳанинг тавсифи

| | |
|---|---|
| **Лойиҳанинг номи:** | Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими биносидан келгусида бўлим ходимлари фаолият олиб бориши учун 3 та хона сифатида фойдаланиш, миллий фильмлар нусхаларини сақлаш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизматларни ташкил этиш ва бошқариш |
| **Тармоқ номи:** | Маданият ва санъат (кино ва кўнгилочар хизматлар) |
| **Лойиҳа тури:** | Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими биносини реконструкция қилиш, жиҳозлаш, фойдаланиш, хизматлар кўрсатиш ва белгиланган муддат якунида давлат шеригига қайтариш (DBFOT асосида давлат-хусусий шериклик) |
| **Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми** | Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими биносини реконструкция қилиш, ёрдамчи биноларини қайта қуриш ва модернизациялаш, лойиҳалаштириш, молиялаштириш, жиҳозлаш, ички ва ташқи ҳудудни ободонлаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, шунингдек келгусида ҳудудий бўлим ходимлари фаолият олиб бориши учун 3 та хона сифатида фойдаланиш, миллий фильмлар нусхаларини сақлаш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизматларни ташкил этиш, бошқариш ва эксплуатация қилиш |
| **Давлат шериги:** | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги |
| **Лойиҳа жойлашган жойи:** | Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 85-уй, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими тасарруфидаги объект |

BFM0458

BFM0458

## II. Дастлабки танлов натижалари

| ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
|---|
| Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 20 январдаги 30-сон ҳамда “Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 октябрдаги 720-сон қарори талабларига мувофиқ маданият ва санъат соҳасида давлат мулки объектлари уларнинг ушбу соҳадаги фаолият турини сақлаб қолиш шарти билан давлат-хусусий шериклик асосида бериш, шунингдек, маданият соҳасини ривожлантириш, инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифалари белгиланган.<br>Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими биносини давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича хусусий ташаббус илгари сурилди.<br>Лойиҳанинг асосий мақсади бинодан келгусида Кинематография агентлигининг вилоятдаги ҳудудий бўлими ходимлари фаолият олиб бориши учун 3 та хона сифатида фойдаланиш, миллий фильмлар нусхаларини сақлаш, шунингдек, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизматларни ташкил этиш ва бошқаришдан иборат. Шу билан бирга, объект ҳудудини ободонлаштириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш, аҳоли учун қулай ва хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш назарда тутилади.<br>Лойиҳани амалга ошириш орқали 1952 йилда қурилган самарасиз фойдаланилаётган, таъмирталаб ва яроқсиз аҳволга келиб қолган давлат мулкини иқтисодий айланмага киритиш, маданий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ҳудуднинг ижтимоий фаоллигини ошириш таъминланади.<br>Мазкур лойиҳа доирасида хусусий шерикнинг инвестиция маблағлари, замонавий технологиялари ва малакали бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали объектни самарали эксплуатация қилиш ва узоқ муддатли барқарор фаолиятини таъминлаш кўзда тутилган.<br>Хусусий ташаббускорнинг молиявий имкониятлари ва лойиҳанинг юқори ижтимоий аҳамияти инобатга олиниб, уни давлат-хусусий шериклик механизми асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. |

## III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

| | **Қўшимча маълумотлар** |
|---|---|
| 1. | Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?:<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.<br>**Лойиҳани баҳолаш ҳужжати илова қилинади** |
| 2. | Лойиҳанинг қуйидагилардан бирига ёки бир нечтасига киритилганлигини кўрсатинг:<br>Инвестиция дастури ☐<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори ☐<br>Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐<br>Бошқа ☐<br>Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: *Мазкур давлат-хусусий шериклик лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ хусусий ташаббус асосида илгари сурилган.* |
| 3. | Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки |

стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими?

Ҳа ☒ Йўк ☐

*Лойиҳа доирасида Кинематография агентлигининг вилоятдаги ҳудудий бўлими биносини реконструкцияси қилишда энергия ва ресурс тежамкор технологиялар қўлланилади. LED ёритиш чироқлари, замонавий иссиқлик изоляцияси ҳамда энергия самарадор ускуналар жорий этилади. Шунингдек, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.*

*Мазкур ишларни амалга ошириш орқали энергия истеъмоли камайтирилиб, лойиҳа экологик барқарорлик ва иқлим мақсадларига мос равишда амалга оширилади.*

4. Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган?

*Лойиҳа БМТнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги қуйидаги 3 та мақсадларига мос келади:*

- ***4-мақсад** – сифатли таълим (маданий-маърифий фильмлар ва ижтимоий аҳамиятга эга контент намойиши орқали);*
- ***8-мақсад** – муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш (янги иш ўринлари яратиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали);*
- ***11-мақсад** – барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари (замонавий маданий инфратузилмани ривожлантириш орқали).*

5. Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми?

Ҳа ☐ Йўк ☒

6. Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?

Ҳа ☐ Йўк ☒

Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдикловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

7. **Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:**

***Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматлари:***

*Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси 85-уйда жойлашган бино умумий 2 920,75 кв.м. майдонини давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция қилиш, ёрдамчи биноларини қайта қуриш ва модернизациялаш, намунавий лойиҳа асосида таъмирлаш ва жиҳозлаш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек, Кинематография агентлигининг вилоятдаги ҳудудий бўлими ходимлари фаолият олиб бориши учун 3 та хона сифатида фойдаланиш, миллий фильмлар нусхаларини сақлаш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизматларни ташкил этиш ва бошқаришдан иборат.*

*Хусусий шерик объектни самарали бошқариш, хизматлар учун тўловларни белгиланган тартибда шакллантириш ва қўллаш, техник хизмат кўрсатиш, санитария-гигиена ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлаш мажбуриятини олади. Шу билан бирга, объект атрофини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширади.*

*(Давлат-хусусий шериклик предмети бўлган объектни бузиш, сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш ва ҳар қандай бегоналаштириш ҳолатлари тақиқланади)*

8.

| а) | б) | в) |
|---|---|---|
| а) Лойиҳанинг қиймати: **246,05 минг** АҚШ доллари *(3 000,0 млн. сўм)* | б) Лойиҳа даврида эксплуатация харажатлари миқдори: **4 579,00 минг** АҚШ долл. *(55 830,0 млн. сўм)* | в) Умумий харажатлар: **4 825,05 минг** АҚШ доллари *(58 830,0 млн. сўм)* |

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича 1 АҚШ доллари 12192.57 сўм*

г) ДХШ битимининг амал қилиш муддати: **35 йил**

3-10 ☐ 11-20 ☐ 21-30 ☒ >30

д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: **3 йил**

☒ <10 10-30 ☐ ☐>30

BFM0458

**9.** а) Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг:

Фойдаланганлик учун тўлов ☒

Эркин фойдаланилиши учун тўлов ☒

***Фойдаланганлик учун тўлов:***

*ДХШ асосида реконструкция қилинадиган Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими биноси хусусий шерик томонидан 35 йил давомида фойдаланиш орқали даромад олиш ҳуқуқи асосида эксплуатация қилинади.*

*Мазкур бинодан келгусида Кинематография агентлигининг вилоятдаги ҳудудий бўлими ходимлари фаолият олиб бориши учун 3 та хона сифатида фойдаланиш, миллий фильмлар нусхаларини сақлаш, шунингдек, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бозор шароитидан келиб чиқиб шакллантирилади.*

*Бинонинг ўртача бандлик даражасидан келиб чиқиб, дастлабки йилда 5 минг нафарга хизмат ва савдо кўрсатилади ва 178 млн. сўм йиллик тушум бозор шароитига мувофиқ шаклланиши кутилмоқда. Кейинги йилларда даромад инфляция, хизматлар бозори ва аҳоли талабидан келиб чиқиб босқичма-босқич ошириб борилади.*

***Эркин фойдаланиш учун тўлов:***

*Давлат шериги билан келишилган тартибда келгусида бинодан ижтимоий аҳамиятга эга фильмлар намойиши, болалар ва ёшлар учун маърифий тадбирлар ҳамда белгиланган квота доирасида айрим тоифадаги фойдаланувчиларга имтиёзли шартларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш имконияти яратилиши мумкин. Ушбу шартлар давлат-хусусий шериклик битимида алоҳида тартибда белгиланади.*

б) Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг (АҚШ долларида):

Тўлиқ қувват билан йиллик жами даромад:

**178 млн. сўмни ташки этади**

Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:

Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐

Қўшимча фойда тақсимоти ☐

в) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:

Давлат ташаббускори ☐

Хусусий ташаббускор ☒

г) **Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов**

Лойиҳанинг умумий қиймати бир миллион АҚШ доллардан кам бўлганлиги учун бир марталик тўлов мавжуд эмас.

**10.** Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.

Бунда давлат шериги ва хусусий ташаббускор келишган ҳолда хатарлар тақсимотини ўзгартиришга ҳақли.

| **Хавф ёки хатарлар турлари** | Давлат шериги | Умумий | Хусусий шерик | Хатар тақсимоти асоси | Изох |
|---|---|---|---|---|---|
| Лойиҳа хужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи | | | ● | | |
| Яширин нуқсон хавфи | | | ● | | |
| Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар | ● | | | | |

BFM0458

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Молиявий хатарлар | | ● | | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган) | | | ● | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган) | | | ● | | |
| | Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |
| | ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан) | ● | | | | |
| | ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан) | | | ● | | |
| | Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар | | | ● | | |
| | Солиқ билан боғлиқ хатарлар | | ● | | | |
| | Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари | ● | | | | |
| | Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари | ● | | | | |
| | Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши | ● | | | | |
| | Давлат шеригига келишилган тўловларнинг кечиктирилиши (тегишли жойларда) | | | ● | | |
| | Сиёсий беқарорлик хатарлари | ● | | | | |
| | Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар | | | ● | | |
| | Мулкни реквизиция қилиш | ● | | | | |

BFM0458

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Операцион хатарлар | | | ● | | |
| | Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ) | | | ● | | |
| | Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |
| | Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |
| | Самарадорлик кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | Бошқалар | | ● | | | |

11. Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса, қуйидаги маълумотларни тақдим этинг.

а) хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштирокчининг номи):
*Хусусий ташаббускор: “SAM KOMILJON FAYZ” масъулияти чекланган жамияти. 2009 йил 20 майда Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2028455-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.*

б) жамият рўйхатдан ўтган давлат номи:
*Ўзбекистон Республикаси*

в) акциядорлар ва компания эгалари (5 фоиз дан кўп улушга эга):
*Зиябаев Ахматилло Хабибуллаевич (Ziyabayev Axmatillo Xabibullayevich)- 73.68%;*
*Зиябоев Комил Ахматиллоевич (Ziyaboyev Komil Axmatilloyevich) - 26.32%.*

г) боғланиш учун маълумот:
*Самарқанд шаҳар, Фирдавсий кўчаси 85-уй.*

д) бизнеснинг қисқача мазмуни:
*Ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ва бошқа фаолият*

е) худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба:
*Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, инвестиция жалб қилиш, лойиҳаларни бошқариш.*

ё) сўнгги уч молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва соф фойда
*(минг сўмда)*

| **Кўрсаткичлар номи** | **2023** | **2024** | **2025** |
|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* |
| **Жами актив** | 3,090,530.00 | 4,057,857.00 | 4,714,055.00 |
| **Жами мажбуриятлар** | 16,505.00 | 151,594.00 | 244,994.00 |
| Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) | 10,157.00 | 13,538.00 | 19,398.00 |

з) компанияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва (ёки) банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш:
Хусусий ташаббускорнинг малакасини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатли далилларни, шу жумладан, компания низоми, йиллик ҳисоботларни ва охирги уч йил учун аудит қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этинг.

12. Ҳар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:

| | Сана | | Сана |
|---|---|---|---|
| а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш | 2026 йил апрель ойи | д) Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш | 2026 йил II чорак |

BFM0458

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | б) | Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари) | 2026 йил I чорак | е) | Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш. | Заруратга кўра |
| | в) | Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ) | 2026 йил II чорак | ё) | Молиявий якунлаш | Битим имзолангандан сўнг |
| | г) | Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP) | 2026 йил II чорак | | | |
| 13. | | Жорий ҳолатда ахолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ:<br>*Мазкур лойиҳа доирасида ташкил этиладиган қўшимча хизматлар учун бюджетидан маблағ ажратилмайди* | | | | |
| 14. | | Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради)<br>*Лойиҳа давлат томонидан мустақил амалга оширилган тақдирда бинони реконструкция қилиш, модернизациялаш, жиҳозлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш, ҳудудни ободонлаштириш ҳамда кейинчалик сақлаш ва эксплуатация қилиш учун бюджет маблағлари талаб этилади.*<br>*Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари ва фаолиятни амалга ошириш учун тахминан 3,0 млрд. сўм миқдорида капитал харажатлар, шунингдек кейинги йилларда лойиҳа даврида эксплуатация ва бошқарув харажатлари учун қўшимча 55. млрд бюджет маблағлари ажратилиши талаб этилиши мумкин.*<br>*Давлат-хусусий шериклик механизми қўлланилганда эса ушбу капитал ва эксплуатация харажатлари хусусий шерик инвестициялари ҳамда хизматлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан қопланади ва давлат бюджети маблағларини ажратиш зарурати юзага келмайди..* | | | | |
| 15. | | Лойиҳани давлат томонидан эмас, балки ДХШ механизми орқали амалга оширишнинг афзалликларини асослаб беринг:<br>*Агар бинони реконструкция қилиш ва модернизациялаш лойиҳаси давлат томонидан мустақил равишда амалга оширилса, капитал қўйилмалар, жиҳозлаш, муҳандислик тармоқларини янгилаш, ҳудудни ободонлаштириш ҳамда кейинчалик бошқариш ва эксплуатация харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши талаб этилади. Бу эса бюджет юки ортишига ва бошқа ижтимоий дастурлар молиялашувига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.*<br>*Давлат-хусусий шериклик механизми доирасида эса реконструкция, молиялаштириш, жиҳозлаш ва эксплуатация харажатлари хусусий шерик инвестициялари ҳисобидан амалга оширилади. Давлат шериги томонидан қўшимча бюджет маблағлари ажратилиши талаб этилмайди.*<br>*Шу билан бирга, мазкур бинодан келгусида миллий фильмлар нусхаларини сақлаш ҳамда Кинематография агентлигининг вилоятдаги ҳудудий бўлими ходимлари фаолият олиб бориши учун 3 та хона сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, хусусий шерикнинг замонавий бошқарув тажрибаси, технологиялари ва бозор механизмлари жалб этилади, хизматлар сифати ва самарадорлиги ошади. Лойиҳа давомида барча таваккалчиликларнинг асосий қисми хусусий шерик зиммасига юкланади.*<br>*Объект давлат мулки сифатида сақланиб қолади ва белгиланган муддат якунида реконструкция қилинган ва жиҳозланган ҳолда давлат балансига қайтарилади.*<br>*Юқоридагилардан келиб чиқиб, лойиҳани давлат-хусусий шериклик механизми асосида амалга ошириш бюджет маблағларини тежаш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш, маданий инфратузилмани ривожлантириш ва давлат мулкидан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.* | | | | |

BFM0458

| | |
|---|---|
| 16. | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>***Иқтисодий самара:*** *Лойиҳа доирасида Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими биноси реконструкция қилиниб, замонавий ишлаб чиқари, савдо ва маиший хизмат объект сифатида қайта фаолиятга киритилади. Давлат-хусусий шериклик модели қўлланилиши натижасида реконструкция, жиҳозлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва кейинчалик эксплуатация қилиш билан боғлиқ барча харажатлар хусусий шерик маблағлари ҳисобидан қопланади. Бу давлат бюджетига қўшимча молиявий юк тушишининг олдини олади, давлат мулкидан самарали фойдаланишни таъминлайди ҳамда хизматлар орқали иқтисодий фаоллик ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.*<br>***Ижтимоий самара:*** *Мазкур бинодан келгусида Кинематография агентлигининг вилоятдаги ҳудудий бўлими ходимлари фаолият олиб бориши учун 3 та хона сифатида фойдаланиш ва миллий фильмлар нусхаларини сақлаш учун берилади.*<br>***Инфратузилмавий самара:*** *Мавжуд эскирган бинони реконструкция қилиниб, замонавий савдо, ва хизмат кўрсатиш ҳудудлари барпо этилади. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари модернизация қилиниб, ички ва ташқи ҳудуд ободонлаштирилади, ёритиш ва хавфсизлик тизимлари янгиланади. Натижада объектнинг архитектуравий кўриниши ва функционал имкониятлари яхшиланиб, шаҳар маданий инфратузилмасининг ривожланишига ҳисса қўшилади.* |
| 17. | Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Кинематография агентлиги томонидан амалга оширилади.* |
| 18. | Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) қамраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Объектнинг бир вақтнинг ўзида маданий, маърифий ва тижорат функцияларини бирлаштириши, хизматлар сифатини ошириш ва аҳоли турли қатламларини қамраб олиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, хусусий шерик инвестицияси ва замонавий бошқарув тажрибасини жалб қилиш орқали объектнинг самарали ва барқарор эксплуатацияси таъминланади.*<br>*Натижада давлат мулки сақланиб қолади, реконструкция қилинган ва жиҳозланган ҳолда узоқ муддатли фойдаланиш имконияти яратилади, хусусий шерик эса инвестицияларини қоплаш ва даромад олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса лойиҳанинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мутаносиб манфаатлар асосида амалга оширилишини таъминлайди.* |
| 19. | ДХШ объектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Мавжуд ер давлат шеригининг балансда ҳисобланади* |
| 20. | Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Хусусий шерик томонидан лойиҳа доирасида тахминан 3 000,0 млн сўм миқдорда сармоя киритилиши назарда тутилган. Ушбу маблағлар бинони реконструкция қилиш, замонавий савдов ва хизмат кўрсатиш объектини барпо этиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш ҳамда ҳудудни ободонлаштириш ишларига йўналтирилади.*<br>*Шунингдек, хусусий шерик томонидан бинони самарали бошқариш, маркетинг, сервис хизматлари ва замонавий маданий тадбирларни ташкил этиш бўйича амалий тажриба жалб этилади. Бу объектнинг барқарор фаолияти ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.* |

BFM0458

| | | |
|---|---|---|
| 21. | | Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Таклиф этилаётган лойиҳа маҳаллий ва хорижий тажрибага асосланади. Хусусан, кўп функцияли бинони давлат-хусусий шериклик (DBFOT) модели асосида реконструкция қилиш ва бошқариш амалиёти Туркия, Жанубий Корея ва Европа давлатларида кенг қўлланилади. Ушбу ёндашувда хусусий шерик объектни реконструкция қилиш, ёрдамчи биноларни қайта қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилишни амалга оширади, давлат шериги эса мулк ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда узоқ муддатли ижара асосида фойдаланиш имконини беради* |
| 22. | | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Лойиҳа доирасида хусусий шерик иштирокида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилган. Жумладан, савдо ва хизмат фаолиятини хизмат сифати кўрсаткичлари (KPI) асосида бошқариш, томошабинлар оқимини таҳлил қилиш ва маркетинг стратегияларини қўллаш режалаштирилган.*<br>*Шунингдек, электрон ва замонавий хизмат кўрсатиш тизимларини жорий этиш, мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, санитария-гигиена ва ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш, техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация харажатларини оптималлаштириш кўзда тутилган.*<br>*Бу орқали объектнинг барқарор фаолияти, хизматлар сифати ва иқтисодий самарадорлиги таъминланади.* |
| 23. | | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа томонлар учун мақбул бўлган мутаносиб фойдани таъминлаб бера оладими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Лойиҳа давлат ва хусусий шерик ўртасида хатарлар ва мажбуриятларни тақсимлаш орқали томонлар учун мақбул манфаатни таъминлайди. Давлат шериги давлат мулкидан самарали фойдаланиш, хизматлар сифати ошиши ва ижтимоий инфратузилма яратилишига эришади, хусусий шерик эса ДХШ битими доирасида бинони эксплуатация қилиш ҳамда хизматлардан тушадиган даромадлар ҳисобига инвестицияларини қоплаш ва барқарор фойда олиш мумкин бўлади.* |
| 24. | | Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>*Лойиҳа Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси 85-уй манзилида жойлашган, Кинематография агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими тасарруфидаги мавжуд биноси ва унга тегишли ҳудудда амалга оширилади.* |
| 25. | а) | Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒ |
| | б) | Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒ |
| 26. | | Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:<br>Сув таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Газ таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Электр таъминоти қурилмаларига улаш ☐ кириш йўллари ☐<br>Транспорт боғланиши ☐<br>Бошқалар<br>*Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади.* |
| 27. | | Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:<br>*Хусусий ташаббускор – “SAM KOMILJON FAYZ” МЧЖ;*<br>*Давлат шериги – Кинематография агентлиги;*<br>*Бино хизматларидан фойдаланувчилар – аҳоли, айниқса ёшлар ва бошқалар.* |

BFM0458

| | | |
|---|---|---|
| 28. | Ғолиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия миқдорини кўрсатинг:<br>Лойиҳа қиймати учун бир марталик комиссия миқдори қўлланилмайди | |
| 29. | Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. | |
| | **Масъул этиб тайинланган шахс** | |
| | Ф.И.О.: | Давлат шериги |
| | Лавозими: | Норов Бахтиёр Шодмонович |
| | Тел.: | Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи |
| | Эл. почта манзили: | +998712778144 |

**“Киритилди”**

“SAM KOMILJON FAYZ” МЧЖ
директори А.Зиябаев

м.ў.

BFM0458 BFM0458 BFM0458 BFM0458 BFM0458